

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

47-сон
(1119)
2023 йил
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

474. «Фармацевтика фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 22 ноябрдаги ЎРҚ–879-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

475. «Айрим саноат тармоқларида сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 ноябрдаги ПФ–198-сон Фармони

476. «Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик

барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги ПФ–199-сон Фармони

477. «Аллергик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги ПК–371-сон қарори
478. ««Ғиждувон» эркин иқтисодий зонасининг ҳудудини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги ПК–372-сон қарори

Учинчи бўлим

479. «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида овчилар жамоат бирлашмалари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 ноябрдаги 609-сон қарори

Бешинчи бўлим

480. O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligining 2023-yil 30-oktabrdagi 28-son va Raqamli texnologiyalar vazirligining 2023-yil 26-oktabrdagi 258-mh-son “Temir yo‘llarda pochmani tashish va pochta vagonlarini ekspluatatsiya qilish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaror, shuningdek unga o‘zgartirishlarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 22-noyabr ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1613-2*)
481. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2023 йил 23 октябрдаги МХ-15-сон, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 20 октябрдаги 01/22-05/5345-сон «Айрим турдаги ёввойи ўсимликларнинг тарқалишини ва уларнинг миқдорини тартибга солиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2590-2*)
482. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 ноябрдаги 16-мх-сон «Спортчи» лавозимида қўйиладиган талаблар, уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгилаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3051-1*)
483. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 ноябрдаги 17-мх-сон «Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг

- тизими тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3135-3*)
484. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 ноябрдаги 12-мх-сон «Ўзбекистон Республикасида тренерлик фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2247-2*)
485. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 ноябрдаги 10-мх-сон «Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2923-4*)
486. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 ноябрдаги 9-мх-сон «Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2954-4*)
487. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 ноябрдаги 8-мх-сон «Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3084-1*)
488. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 ноябрдаги 11-мх-сон «Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-6*)
489. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 17 ноябрдаги 15-мх-сон «Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман(шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3065-4*)

490. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил 15 ноябрдаги 237-сон «Карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш, қайтариб юбориш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3191-2*)
491. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 8 ноябрдаги 78/2023-Б-сон «Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар ва талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2184-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****474 Фармацевтика фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
15 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 29 сентябрда
маъқулланган

Мамлакатимизда аҳолини сифатли, самарали ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлаш, фармацевтика тармоғига илғор илмий-техника ютуқларини ва инновацияларни жорий этиш, тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга тармоқнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш, мамлакатимизда донор қонидан дори воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, фармакологик воситалар ва дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш мақсадида тармоқдаги айрим чекловларни бекор қилиш, шунингдек дори воситаларини ва фармацевтика маҳсулотларини рўйхатдан ўтказиш шартларини қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларида соғлом шахсларнинг ихтиёрий равишда иштирок этиши, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг ва тиббий техниканинг рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаларининг амал қилиш муддатларини ўзгартириш учун имкониятни назарда тутувчи, шунингдек бир ишлаб чиқарувчининг турли савдо номлари остидаги, таркиби бир хил дори моддаларидан иборат бўлган дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш учун шарт-шароитлар яратувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига донор қони ва унинг таркибий қисмларидан фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган фармацевтика ташкилотларига донор қони ва унинг таркибий қисмларини хусусий тартибда тўплашни, тайёрлашни, қайта ишлашни ва сақлашни амалга оширишга рухсат берадиган ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун қон препаратларига бўлган эҳтиёжни маҳаллий ишлаб

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

чиқариш ҳисобидан қоплашга, дори воситаларининг янги турлари ишлаб чиқарилишига хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида**»ги 415–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 4 январда қабул қилинган ЎРҚ–399-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 1, 1-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) 3-модда:

қўйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**клиник тадқиқот субъекти** — фармакологик воситани ёки дори воситасини клиник тадқиқ этишда ўзининг ёзма равишдаги розилиги билан ихтиёрий асосда иштирок этувчи жисмоний шахс»;

олтинчи — ўн учинчи хатбошилари тегишинча **еттинчи — ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) 8-модданинг тўртинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умумий фармакопея мақолаларини, фармакопея мақолаларини ишлаб чиқиш ва уларни Давлат фармакопеясига киритиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади»;

3) 10-модданинг:

олтинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фармакологик воситанинг ёки дори воситасининг клиник тадқиқотида клиник тадқиқот субъектининг иштирок этиши ўзининг ёзма равишдаги розилиги билан ихтиёрий асосда амалга оширилади. Клиник тадқиқот раҳбари клиник тадқиқот субъектига ушбу тадқиқот усулининг аҳамияти, мазкур тадқиқотнинг моҳияти ва эҳтимол тутилган хавфи ҳақида батафсил тушунтириш бериши шарт. Клиник тадқиқот субъекти тадқиқотнинг исталган босқичида унда иштирок этишни рад қилишга ҳақли.

Фармакологик воситанинг ёки дори воситасининг клиник тадқиқоти вояга етмаган ёхуд муомалага лаёқатсиз клиник тадқиқот субъекти иштирокида ўтказилган тақдирда, тадқиқотлар бошланишидан олдин унинг ота-онасидан ёки бошқа қонуний вакилларидадан ёзма равишда розилик олиниши керак.

Вояга етмаган клиник тадқиқот субъектлари иштирокидаги клиник тадқиқотдан олдин, қоида тариқасида, вояга етган клиник тадқиқот субъектларида клиник тадқиқот ўтказилган бўлиши керак»;

тўққизинчи қисмидаги «беморнинг» деган сўз «клиник тадқиқот субъектининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи қисмидаги «беморнинг» деган сўз «клиник тадқиқот субъектининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 12-модданинг:

бешинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бир ишлаб чиқарувчининг турли савдо номлари остидаги, таркиби бир хил дори моддаларидан иборат бўлган дори воситаларини рўйхатдан ўтказишга қонунчиликда белгиланган тартибда йўл қўйилади»;

еттинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Дори воситаларини, тиббий буюмларни ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларига кўра хорижий ишлаб чиқарувчиларга амал қилиш муддати беш йил бўлган тегишли рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси берилади, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга эса муддатсиз берилади»;

5) 18-модда:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчисининг буюртмасига мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган бошқа ишлаб чиқарувчилар томонидан шартнома асосида амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолда дори воситаларининг ва тиббий буюмларнинг рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси дори воситаларини ва тиббий буюмларни буюртмага мувофиқ бевосита ишлаб чиқарадиган ташкилотга берилади»;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи, бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августда қабул қилинган «**Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида**»ги 402–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 125-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **10-модданинг тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

2) **12-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қон билан ишлаш хизмати донор қони ва унинг таркибий қисмларини тўплашга, тайёрлашга, қайта ишлашга ва сақлашга ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотлари ҳамда донор қони ва унинг таркибий қисмларидан фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган фармацевтика ташкилотлари мажмуидан иборатдир».

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўл-

ган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 22 ноябрь,
ЎРҚ–879-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

475 Айрим саноат тармоқларида сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–292-сон қароридан белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, республика саноатини ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва қўшимча захираларни яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки:

а) Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қандолатчилик корхоналарига экспортolni ва экспорт билан боғлиқ савдо операцияларини молиялаштириш учун охириги 12 ой мобайнида амалга оширилган экспорт ҳажмидан келиб чиққан ҳолда 2 йил муддатгача қуйидаги миқдорларда молиявий ресурслар ажратилади:

экспорт ҳажми 500 минг АҚШ долларигача бўлганда — 1 миллион АҚШ долларигача;

экспорт ҳажми 500 минг АҚШ долларидадан 4 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 2 миллион АҚШ долларигача;

экспорт ҳажми 4 миллион АҚШ долларидадан ортиқ бўлганда — 3 миллион АҚШ долларигача;

б) 2025 йил 1 январга қадар:

кенг турдаги қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган қадоқлаш ва этикеткалаш маҳсулотлари (ТИФ ТН кодлари 3919 108 000 ва 3921 906 000) божхона божидан озод этилади;

ип-калава ишлаб чиқарувчиларга Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан пахта ва сунъий толани ўз эҳтиёжи учун импорт қилишда (қўшни давлатлардан ташқари) транспорт харажатларининг 50 фоизи коплаб берилади.

2. Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (Ж. Ходжаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тегишли ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 21 ноябрда эълон қилинган.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

2024 йил 31 декабрга қадар ип-калавани экспорт қилишда ундириладиган йиғимнинг амалдаги миқдорини 5 бараварга камайтириш;

2024 йил 31 декабрга қадар бўялган мато ва бўялган газламани реализация қилишдан тушган умумий тушумида ушбу маҳсулотларни ички бозорда сотиш улуши камида 50 фоизни ташкил қилган корхоналарга ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлаш ҳамда уч йил муддатгача юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи тўловини кечиктириш ҳуқуқини бериш;

2026 йил 1 октябрга қадар тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари фаолияти учун зарур бўлган айрим товарларни импорт қилишда божхона божидан озод қилиш;

саноат зоналарида ер майдонлари ҳамда бино ва иншоотларни ижарага беришда тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш даврини амалдаги 12 ойдан 24 ойгача узайтириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Ходжаев ва Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 21 ноябрь,
ПФ–198-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 21 ноябрдаги
ПФ–198-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5989-сон Фармони 8-бандининг «б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали пахта ип-калава-си ва трикотаж матони олиб чиқишда:

2021 йил 1 январдан бошлаб олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калава учун 0,01 АҚШ доллари, 2022 йил 1 январдан — 0,05 АҚШ доллари, 2023 йил 1 ноябрдан — 0,01 АҚШ доллари, 2025 йил 1 январдан — 0,2 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилади;

2022 йил 1 январдан олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм трикотаж мато (бўялган трикотаж мато бундан мустасно) учун 0,05 АҚШ доллари, 2024 йил 1 январдан — 0,1 АҚШ доллари, 2025 йил 1 январдан — 0,2 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 октябрдаги «Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6091-сон Фармонининг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортolni молиялаштириш кредитлари учун:

а) бир марталик молиявий ресурслар 1 миллион АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда (йиллик экспорт ҳажми 20 миллион АҚШ долларидан ошган экспорт қилувчи корхоналарга 5 миллион АҚШ долларигача эквивалентда) ҳамда бир йилгача муддатга ажратилади.

Бунда берилган кредитларнинг маълум бир қисми белгиланган муддатларда сўндирилган тақдирда, тадбиркорлик субъектларига кредитнинг сўндирилган қисмига мутаносиб равишда қўшимча кредитлар ажратилади;

б) «Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти» дастурига киритилган экспорт қилувчи ташкилотларга охириги 12 ой мобайнида амалга оширилган экспорт ҳажмидан келиб чиққан ҳолда 1 йил муддатгача қуйидаги миқдорларда молиявий ресурслар ажратилади:

экспорт ҳажми 5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 2 миллион АҚШ долларигача;

экспорт ҳажми 10 миллион АҚШ долларидан 15 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 3 миллион АҚШ долларигача;

экспорт ҳажми 15 миллион АҚШ долларидан 20 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 4 миллион АҚШ долларигача;

қандолатчилик корхоналарига экспорттолди ва экспорт билан боғлиқ савдо операцияларини молиялаштириши учун охириги 12 ой мобайнида амалга оширилган экспорт ҳажмидан келиб чиққан ҳолда 2 йил муддатгача қуйидаги миқдорларда молиявий ресурслар ажратилади:

экспорт ҳажми 500 минг АҚШ долларигача бўлганда — 1 миллион АҚШ долларигача;

экспорт ҳажми 500 минг АҚШ долларидан 4 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 2 миллион АҚШ долларигача;

экспорт ҳажми 4 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда — 3 миллион АҚШ долларигача;

в) экспорт қилувчилар томонидан товарлар улар бўйича тўловларни кечиктириб тўлаш шарти билан экспорт қилинганда (шу жумладан, корхоналар томонидан қайта ишлаш маҳсулотлари «реэкспорт» божхона режимида олиб чиқилганда), уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун револьвер кредитларни молиялаштиришга тижорат банкларига тўловлар кечиктирилган муддатга ва олиб чиқиладиган маҳсулотлар қиймати миқдорида, бироқ 3 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда, йиллик 4 фоизли ставка (шундан, 2 фоизи банк маржаси) билан молиявий ресурслар тақдим этилади.

Тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспорттолди молиялаштириш кредитлари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан ажратиладиган молиявий ресурслар ҳисобидан молиялаштирилганда, «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ томонидан компенсациялар тақдим этилмайди.

Ушбу Фармонда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги ПФ–5587-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатдаги хом ашё товарларига нисбатан татбиқ этилмайди».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–53-сон Фармони 2-банди «г» кичик бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини, шу жумладан комиссияонер (ишончли вакил) орқали реализация қилишдан тушган умумий тушумида ушбу маҳсулотларни экспорт қилиш улуши камида 80 фоизни ташкил қилган корхоналарга ёки бўялган мато ва бўялган газламани реализация қилишдан тушган умумий тушумида ушбу маҳсулотларни ички бозорда сотиш улуши камида 50 фоизни ташкил қилган корхоналарга».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 июндаги «Махсус иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–153-сон Фармони 4-бандининг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«саноат зоналарида ер майдонлари ва бино-иншоотларни электрон он-лайн-аукцион орқали ижарага беришда сотиб олиш тўловларини йигирма тўрт ой муддатда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилади».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 январдаги «Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–2-сон Фармонида:

а) 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Фармоннинг 2-банди «г» ва «е» кичик бандларидаги» сўзларидан кейин «ҳамда 5-банди тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидаги» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги 7¹-банд билан тўлдирилсин:

«7¹. 2026 йил 1 октябрга қадар тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божидан озод қилинадиган айрим товарлар рўйхати 1а-иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

в) қуйидаги мазмундаги 1а-илова билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 14 январдаги
ПФ–2-сон Фармонида
1а-ИЛОВА

2026 йил 1 октябрга қадар тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божидан озод қилинадиган айрим товарлар РЎЙХАТИ

Т/р	ТИФ ТН коди	Товар номи
1.	3923100000, 3923409000, 3923900000	Пластмассадан тайёрланган товарларни ташиш ёки қадоқлаш учун товарлар
2.	4010120000, 4010190000, 4010310000, 4010320000, 4010330000, 4010340000, 4010350000, 4010360000, 4010390000	Ленталар, ременлар ёки бельтинглар

3.	8415830000	Двигателли вентилятор ҳамда ҳаво ҳарорати ва намлигини ўзгартириш учун асбоблар билан жиҳозланган ҳавони кондиционерлаш қурилмалари, шу жумладан, намликни алоҳида назорат қилиб бўлмайдиган кондиционерлар: — — ичига совутиш қурилмаси ўрнатилмаганлар
4.	8716800000	Тиркамалар ва ярим тиркамалар; бошқа ўзиюрар бўлмаган транспорт воситалари; уларнинг қисмлари: — бошқа транспорт воситалари — — бошқалар: — — — бошқалар: — — — — муқаддам фойдаланишда бўлган (ишлатилган): — — — — бошқалар: — — — — — бошқалар: — — — — — бошқалар

».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги «Экспортга қўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4069-сон қарори 2-бандининг «б» кичик бандида:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«хорижий ваколатли органларда миллий маҳсулотлар ва брендларни (товар белгиларини) рўйхатдан ўтказишга, республика ташкилотларининг халқаро кўргазма-ярмаркаларда ҳамда халқаро тендер ва танловларда иштирок этишига, анъанавий миллий маҳсулотлар ва брендларни (товар белгиларини) потенциал сотиш бозорларига киритишда тақдимотлар ва реклама компаниялари ўтказилишига ҳамда маҳсулотлар намуналарини таништириш мақсадида хорижий мамлакатларга юборишда молиявий қўмаклашиш»;

қуйидаги мазмундаги бешинчи — еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«савдо уйларини очиш ва сақлаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш, шунингдек реклама кампанияларини ташкил қилиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларининг 50 фоизини, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчиларнинг қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларини янги технологияларга ўргатиш, агротехник тадбирлар мониторинги ва маркетинг тадқиқотларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизини ҳамда ваколатли органларнинг маҳсулотларни экспорт қилиш учун зарур бўлган рухсатнома ва сертификатларни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни компенсация қилиш;

мувофиқликни баҳолаш органларини халқаро ILAC/IAF ташкилотлари аъзоси ҳисобланган аккредитация идораси томонидан аккредитациядан ўтказиш билан боғлиқ харажатларни компенсация қилиш;

тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарига молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида юритишни жорий қилиш харажатларини қисман қоплаб бериш»;

бешинчи — еттинчи хатбошилар тегишинча саккизинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4453-сон қарори 2-бандининг «б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали пахта ип-калава-си ва трикотаж матони олиб чиқишда:

2021 йил 1 январдан бошлаб олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калава учун 0,01 АҚШ доллари, 2022 йил 1 январдан — 0,05 АҚШ доллари, 2023 йил 1 ноябрдан — 0,01 АҚШ доллари, 2025 йил 1 январдан — 0,2 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилади;

2022 йил 1 январдан олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм трикотаж мато (бўялган трикотаж мато бундан мустасно) учун 0,05 АҚШ доллари, 2024 йил 1 январдан — 0,1 АҚШ доллари, 2025 йил 1 январдан — 0,2 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилади».

** Мазкур илованинг 5-банди 2023 йил 1 декабрдан эътиборан амалга киритилади.*

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 21 ноябрдаги
ПФ–198-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ПФ–5231-сон Фармониغا илованинг 4-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2022-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 мартдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2507-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги «Ўзтадбиркорэкспорт» акциядорлик жамияти фаолиятининг самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3009-сон қарорига 3-илованинг 3-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5087-сон қарори 1-бандининг «б» кичик банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**476 Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда экологик вазиятни яхшилаш, трансчегаравий гармсел шамоллари ва чанг-қум бўронларининг атроф-муҳитга зарарли таъсирларининг олдини олиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўтган давр мобайнида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида 588 гектар «яшил боғлар», 662 гектар «яшил жамоат парклари», Бухоро, Нукус, Хива ва Урганч шаҳарлари атрофида жами 40 км масофада «яшил белбоғ»лар барпо этилди.

Шу билан бирга, умуммиллий лойиҳани самарали давом эттириш бугунги кунда кечиктириб бўлмас чораларни кўришни талаб этмоқда.

Ўзбекистонда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини янада оммалаштириш, экология соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ва илғор технологияларни кенг жорий этиш ҳамда «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда қуйидаги қўшимча механизмлар амалга оширилади:

а) Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағларнинг камида 50 фоизи «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари»ни ташкил қилиш учун «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган «Менинг боғим» лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади. Бунда:

аҳоли ташаббуси билан «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари»ни ташкил қилиш бўйича майдон манзили ва расмлари кўрсатилган ҳолда қиймати 250 млн сўмдан ошмаган ташаббус билдирилади;

«Менинг боғим» лойиҳаларини шакллантириш ва уларга овоз бериш жараёни ҳар йили январь-февраль ойларида ўтказилади;

б) Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг манзилли кўкаламзорлаштириш инвестиция дастури орқали 1-иловада** келтирилган схемага мувофиқ қуйидагиларни амалга оширишга йўналтирилади:

ҳар бир ҳудудда дендрарийлар, дендрология ва ботаника боғларини ташкил қилиш;

шаҳар ва туманларни «яшил белбоғ»лар билан ўраб олиш;

5 гектардан кам бўлмаган йирик боғларни барпо этиш;

трансчегаравий гармсел шамоллари ва чанг-қум бўронлари таъсирини камайтириш учун «яшил қалқон» ташкил қилиш;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

в) молиялаштиришда қўйидаги қўшимча манбалардан фойдаланишга рухсат этилади:

суверен «яшил облигациялар», «барқарор ривожланиш облигациялари»-ни чиқариш;

углерод савдоси тизимини (carbon trading system) йўлга қўйиш.

Ушбу маблағлар йўналтириладиган мақсадлар 2-иловага мувофиқ тасдиқланади.

2. Дарахт кўчатларини экиш, ҳудудларни кўкаламзорлаштиришда аҳолининг манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида:

а) автомобиль, темир йўл, дарё ва каналлар ёқалари, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ер участкаларининг фойдаланилмаётган қисмида (ўрмон фонди ерлари бундан мустасно) «яшил боғлар» ушбу ерларнинг эгалари, фойдаланувчилари ҳамда ташаббускор жисмоний ва юридик шахслар ўртасида 10 йилгача қўйидаги шартларда тўғридан-тўғри тузиладиган икки томонлама шартнома асосида барпо этилади:

йўл бўйида дарахт кўчатларини камида 5 қатордан экиш;

парвариш қилган дарахтларининг йилига 30 фоиздан ошмаган қисмидан саноат ва қурилиш мақсадида фойдаланишга имкон бериш;

б) ер участкалари республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига «яшил боғ» барпо этиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари икки ҳафта муддатда ушбу бандда назарда тутилган шартномалар тузилишини ва белгиланган тартибда ер участкалари ажратилишини таъминласин.

3. Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда яшил ҳудуд ва унда экилган дарахт ва буталарни парваришlash ҳамда улардан фойдаланиш учун «Яшил боғ» барпо этиш тўғрисида намунавий шартнома лойиҳаси ишлаб чиқилиб, вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига етказилишини таъминласин.

4. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (кейинги ўринларда — Экология вазирлиги) Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда ҳар йили «Энг яшил маҳалла» танловини ўтказиш ва танлов натижалари бўйича ғолиб бўлган 14 та маҳаллага Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

маҳалланинг тегишли жамғармасига дарахтлар экиш ва суғориш, «яшил жамоат парки»ни яратишга жами 500 миллион сўмдан ўтказиб бериш;

ўзини ўзи бошқариш органларига хизматда фойдаланиш учун 1 тадан электромобиль харид қилиш ва топшириш чоралари кўриб борилишини таъминласин.

5. Экология вазирлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2024 йилда ўрмон фондининг 1,5 минг гектар ер майдонларида

касаначилиқ асосида кўчат етиштириш ишларини йўлга қўйиш орқали камида 10 минг нафар аҳолининг бандлигини таъминласин. Бунда:

ўрмон фонди мавжуд ерларининг жорий ҳолати (тоифаси)дан келиб чиққан ҳолда ҳар бир касаначилиқ асосида кўчат етиштирувчига камида 5 гектаргача ерлар шартнома асосида бириктирилади;

касаначилиқ асосида кўчат етиштириш 3-иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади;

касаначилиқ асосида кўчат етиштиришни йўлга қўйиш учун талаб этиладиган дастлабки мақсадли маблағлар Экология жамғармаси ҳисобидан ажратилади.

6. Экология вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг:

жисмоний ва юридик шахсларнинг буюртманомалари асосида дарахт ва бута кўчатларини экишни ташкиллаштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида электрон тўлов тизимларидан фойдаланувчилар ва бошқа истеъмолчилар томонидан ихтиёрий хайрия ўтказмалари бўйича хизмат кўрсатувчи «Яшил тўлов» платформасини жорий қилиш;

Экология вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда «Яшил тўлов» платформаси орқали республикада дарахт ва бута кўчатларини экишга аҳолини кенг жалб қилиш бўйича Яшил хайрия жамғармасини ташкил этиш;

Яшил хайрия жамғармасининг бошқаруви кенгаши раиси вазифасини экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири томонидан жамоатчилик асосида бажариш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Экология вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси билан биргаликда 4-иловага* мувофиқ 2024 — 2026 йилларда ихота дарахтзорларини барпо этиш чораларини кўрсин.

Бунда, «Яшиллойиха» лойиҳалаш институти томонидан кўчатлар экилиши кўзда тутилган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари хатловдан ўтказилиб, ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳа-қидирув ишлари амалга оширилади.

8. Бухоро, Нукус, Хива ва Урганч шаҳарлари атрофида «яшил белбоғ»лар барпо этиш бўйича 2020-2021 йилларда бошланган ишларни узвий давом эттириш мақсадида қўйидагилар:

2024 — 2026 йилларда Тошкент шаҳри атрофида «яшил белбоғ»лар барпо этиш дастури ва прогноз кўрсаткичлари 5 ва 5а-иловаларга* мувофиқ;

2024 — 2030 йилларда республика шаҳарлари ҳамда уларнинг атрофларида «яшил белбоғ»лар барпо этиш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, Экология вазирлиги ва Тошкент шаҳри ҳокимлигининг «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида эксперимент тариқасида Тошкент шаҳри ҳудудидаги дарахтларни рақамлаштириш орқали уларнинг паспортини яратиш (кейинги ўринларда — дарахтларни паспортлаштириш) тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

* 3 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10. Белгилансинки, Тошкент шаҳри ҳудудидаги дарахтларни паспортлаштириш қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

биринчи босқич (2024 йил 1 мартга қадар) — аэрокосмик тасвирлар ва дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда мавжуд дарахтлар тўлиқ хатловдан ўтказилади (якка тартибдаги уй-жойлар ҳудудидаги дарахтлар бундан мустасно);

иккинчи босқич (2024 йил 1 ноябрга қадар) — хатлов натижасига кўра аниқланган дарахтларнинг тури, ёши, бўйи, ҳолати ва жойлашув координатасини акс эттирувчи маълумотлар базаси шакллантирилади;

учинчи босқич (2024 йил 31 декабрга қадар) — маълумотлар базаси асосида «Яшил макон» электрон платформасида ҳар бир дарахтга паспорт шакллантирилади ва ID рақам берилади.

11. Тошкент шаҳри ҳудудидаги дарахтларни паспортлаштириш ишларини мувофиқлаштирувчи идоралараро республика ишчи гуруҳи 7-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Республика ишчи гуруҳи (Абдухакимов):

дарахтларни паспортлаштириш ишларини самарали ташкил этиш, вазирлик ва идораларнинг бу борадаги ишини мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш чораларини кўрсин;

ҳар ойда дарахтларни паспортлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин;

2025 йил 1 февралга қадар эксперимент якунларидан келиб чиқиб, республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам дарахтлар паспортини жорий қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

12. Қўйидагиларни назарда тутувчи 2024 — 2028 йилларда Оролбўйи минтақасини барқарор ривожлантириш, инновациялар ва яшил технологияларни кенг жорий этиш бўйича миллий дастур (кейинги ўринларда — Миллий дастур) 8-иловага* мувофиқ тасдиқлансин:

«яшил қопламалар» — ҳимоя ўрмонзорларини барпо этишни изчил давом эттириш ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш ва уларни тизимли ривожлантириш;

илмий ва инновацион фаолият учун замонавий инфратузилмани яратиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва бошқа турдаги ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш;

аҳоли саломатлигини тиклаш, экологик туризмни ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш;

донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, молия институтлари, жамғармалар ва компаниялар маблағларини кенг жалб қилиш бўйича халқаро алоқаларни янада кучайтириш.

13. Белгилаб қўйилсинки:

Миллий дастурда белгиланган тадбирларни молиялаштириш 2024 йил ва кейинги йиллар учун тасдиқланадиган Давлат бюджетида кўзда тутилади;

Миллий дастурга киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли

* 7-8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бажарилишини ташкил этиш ва мониторинг қилиш барча давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг устувор вазифаси этиб белгиланади.

14. Экология вазирлиги 2024 йилдан бошлаб ўзининг тизимидаги ташкилотларда ёмғир сувларини тўплаш учун мембрана (резервуар)лари ташкил этиш ҳамда замонавий сув ресурсларини тежаш услублари орқали дарахт ва буталарни суғориш тизими яратилишини таъминласин.

Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари 2024 йил якунигача ушбу тизимни тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларда жорий этиш чораларини кўрсин.

15. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 мартдан бошлаб:

янги қуриладиган, баландлиги ер юзасидан 12 метрдан баланд ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотлар, агар уларга туташ ҳудудлардаги ерларнинг камида 25 фоизи кўкаламзорлаштириш майдонларига ажратилмаган ва уларда кўкаламзорлаштириш тадбирлари амалга оширилмаган тақдирда, давлат қабул комиссияси томонидан қабул қилинмайди;

атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифаларига кирувчи саноат корхоналари лойиҳа ҳужжатлари бўйича бериладиган давлат экологик экспертизаси хулосаларида ўз ва туташ ҳудудларида «яшил белбоғ»лар барпо этиш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини амалга ошириш мажбурий бўлган талаб этиб белгиланади;

кўчатлар экиш ва уларни парваришlash ҳамда суғориш тадбирларини молиялаштириш масалалари вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларининг йиллик харажатлар сметасида ҳамда атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифаларига мансуб саноат корхоналари, махсус иқтисодий зоналар ҳудудларида жойлашган саноат корхоналарининг йиллик бизнес режаларида кўзда тутилади.

16. Экология вазирлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг умумий штатлари доирасида ўрмон уруғчилигини ривожлантириш, ўрмон ўсимликлари уруғлари таҳлилини илмий-тадқиқот ишлари билан мувофиқлаштириш, замонавий технологиялар асосида кўчат етиштириш ва кўчатчилик селекцияси тизимини такомиллаштириш масалаларини тизимлаштириш мақсадида:

а) Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University) ҳузуридаги (кейинги ўринларда — Университет) Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти тузилмасида Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофонди масалалари лабораторияси;

б) Университет ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти тизимида:

«in-vitro» лабораторияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари;

«Ўрмон уруғчилиги маркази» давлат муассасаси ва унинг ҳудудий (Қо-

рақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари) бўлинмалари;

в) «Яшил ҳудуд» давлат унитар корхонаси тузилмасида алоҳида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Дарахт касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашиш хизмати ташкил этилсин.

Экология вазирлиги тизимида янги ташкил этилаётган тузилмалар фаолиятини йўлга қўйиш жадвали 9-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

17. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Экология вазирлиги ва Ўрмон хўжалиги агентлигининг талабномасига мувофиқ ўрмон хўжаликлари томонидан ўрмон барпо этиш, унинг қайта тикланишини таъминлаш, муҳофаза қилиш ва ўрмон ёнғинларига қарши курашиш тадбирлари учун зарур асбоб-ускуналар ва махсус техникаларни сотиб олиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳисоб-китобларга асосан 2024 — 2026 йилларда республика бюджетидан талаб этиладиган зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

Ўрмон хўжалиги агентлиги тизимидаги ўрмон хўжаликларининг босқич-ма-босқич 2024 — 2026 йилларда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш прогноз кўрсаткичлари 10-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 11-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 12-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

20. Экология вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 23 ноябрь,
ПФ–199-сон

* 9-10-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги
ПФ–199-сон Фармонига
2-ИЛОВА

**«Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини молиялаштиришга
қўшимча механизмлардан тушадиган маблағларни
ЙЎНАЛТИРИШ МАҚСАДЛАРИ**

1. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида «яшил белбоғ», «яшил боғ», «яшил жамоат парклари», «яшил қалқон», «яшил қопламалар» — ҳимоя ўрмонзорларини ҳамда ихота дарахтзорларини барпо этиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, амалий ишларни ташкил этиш ва доимий эгасига топширилгунга қадар уч йил давомида сақлаш.

2. Ўрмон хўжалиги тадбирлари учун ҳудудларнинг иқлим шароитига мос дарахт ва бута уруғларини тайёрлаш, уруғларни белгиланган тартибда лаборатория синовларидан ўтказилишини таъминлаш, уруғчилик генбанкни ташкил этиш.

3. Ўрмончилик ва ўрмон кўчатчилигини ривожлантириш, шу жумладан, интенсив усулда ҳамда ёпиқ илдиз тизими билан кўчат етиштириш тизимини яратиш ва уни ривожлантириш.

4. Ўрмон хўжаликларида питомникларни ташкил этиш ҳамда ўрмон фонди ерларида кўчатчилик соҳасида касаначиликни ривожлантириш.

5. Лойиҳалаштириш, ер участкаларини тайёрлаш, кам сув талаб этадиган дарахт ва бута кўчатларини экиш ишларини амалга ошириш.

6. Дарахт ва буталарнинг касаллик ҳамда зараркунандаларига қарши курашиш тадбирларини амалга ошириш.

7. Суғориш тизимларини жорий қилиш ва сув таъминотини ташкил этиш тадбирлари учун йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги
ПФ–199-сон Фармониغا
11-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–81-сон Фармонда:

а) 8-бандда:

«а» кичик банднинг иккинчи хатбошисидаги «2023 йил 1 декабрга қадар» сўзлари «2024 йил 1 октябрга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

«б» кичик банддаги «январдан» сўзи «октябрдан» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 13-бандда:

«а» кичик банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) республика бюджетидан 2024 йил учун 100 миллиард сўм, 2025 йил ва ундан кейинги йиллар учун 500 миллиард сўмдан маблағ ажратилади ҳамда маблағлар «Очиқ бюджет» ахборот портали ва Ўзбекистон Республикасининг манзилли кўкаламзорлаштириш инвестиция дастури орқали қуйидагиларга йўналтирилади:»;

«б» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) ҳар йили шакллантириладиган ва тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикасининг манзилли кўкаламзорлаштириш инвестиция дастури амалга оширилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ–4850-сон қарорининг 1-банди тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгилансинки, 2024 йил 1 январдан бошлаб давлат ўрмон фонди участкалари фақат «E-auction» платформаси орқали ижарага берилади».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–171-сон қарорида:

а) 6-банддаги «январдан» сўзи «июлдан» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 19-банднинг биринчи хатбошисидаги «мартдан» сўзи «сентябрдан» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг 2 ва 3-позицияларидаги «МЧЖ» қисқартмаси «давлат муассасаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-иловада:

2-позициянинг «Чора-тадбирлар номи» устунидаги «25 минг» сўзлари «10 минг» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-позиция «Ижро қилиш муддати» устунидаги «2023 йил декабрь» сўзлари «2024 йил август» сўзи билан алмаштирилсин;

д) 5-илованинг 40 ва 43-позициялари «Ижро муддати» устунидаги «2023 йил декабрь» сўзлари «2024 йил июнь» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–300-сон қарорига 3-илованинг 14-позицияси «Вазифа» устунидаги «30 фоизга» сўзлари «15 фоизга» сўзлари билан алмаштирилсин».

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги
ПФ–199-сон Фармониغا
12-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги «Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4424-сон қарорининг 2-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 январдаги «Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4960-сон қарорининг 3 ва 4-бандлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги «Йўл хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–330-сон қарорининг 9-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**477 Аллергик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда аллергия касалликларни профилактика қилиш, ташхислаш ва даволашнинг илғор усулларини татбиқ қилиш борасида манзилли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, иқлим ўзгариши, глобал иссиқлик оқибатида гулчанги мавсумининг узайиши, экологик вазиятнинг ёмонлашиши ва бошқа омиллар таъсирида аллергия касалликларга чалиниш хавфи ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан «Тиббиётдаги ислохотлар — инсон қадрлари учун» мавзусидаги очиқ мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган алергологик ва иммунологик тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, болалар ва катталар орасида аллергия ва иммунологик касалликларни эрта аниқлаш ҳамда замонавий даволаш усулларини амалиётга татбиқ қилиш, ушбу касалликларга чалинган беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни зарур дори воситалари билан таъминлаш, жойларда молекуляр алергология ва клиник иммунология йўналишидаги текширувларни йўлга қўйиш, кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аллергия касалликларнинг олдини олиш, аҳолига алергологик ва иммунологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

тиббиётнинг бирламчи бўғинидан бошлаб аллергия касалликларнинг эпидемиологик кўрсаткичлари устидан назоратни кучайтириш ва манзилли скрининг текширувларини жорий этиш;

эхтиёжманд аҳоли қатламларини зарур дори воситалари билан бепул таъминлаш тизимини йўлга қўйиш;

болалар ва ўсмирлар, ҳомиладорлар орасида аллергия ва иммунологик касалликларнинг ривожланиш сабабларини эрта аниқлаш ва уларни профилактика қилиш;

жойларда аллергия касалликларни юқори технологик ташхислаш ва даволаш амалиётлари турларини кенгайтириш ҳамда молекуляр ташхислаш усулларини жорий этиш;

соҳа мутахассисларининг алергология ва клиник иммунология йўналишида билимларини ошириш ва кўникмаларини ривожлантириш.

2. Аллергия ва иммунологик касалликларни эрта аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадида:

а) 2024 йил 1 январдан бошлаб аллергия ва иммунологик касалликларга чалинган «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»да бўлган беморларни ингаля-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

цион глюкокортикостероид дори воситалари билан бепул таъминлаш тизими жорий этилсин;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2024 йилдан бошлаб:

аллергик касалликлар (шу жумладан мавсумий аллергия) кўрсаткичлари юқори ҳудудларда йилига камида бир марта оммавий ва селектив скрининг текширувларини ўтказиш;

аниқланган аллергик ва иккиламчи иммунитет танқислиги касалликлари мавжуд беморларни аллергологлар томонидан тизимли кузатуви ва индивидуал соғломлаштириш ишларини ташкиллаштириш;

ҳудудларда аллергология ва клиник иммунология йўналишида юқори технологик ташхислаш ва даволаш амалиётлари турларини босқичма-босқич 10 турдан 20 тургача ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда эҳтиёжга кўра Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология марказининг ҳудудий бўлинмалари лабораторияларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан аллерген реагентлар билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўрсин.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2024 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестрида» бўлган беморларни ингаляцион глюкокортикостероид дори воситалари ва уларнинг махсус сарфлов воситалари билан таъминлаш учун зарур бюджет маблағларини назарда тутсин.

4. 2024 йил 1 январдан Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология маркази 140 ўрин фондидан иборат бўлган Республика ихтисослаштирилган аллергология ва клиник иммунология илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда — Марказ) этиб қайта ташкил қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Тошкент шаҳри аҳолиси учун аллергик касалликлар бўйича ихтисослаштирилган ва шошилинч тиббий ёрдам Марказ томонидан кўрсатилади.

5. Қўйидагилар Марказнинг қўшимча вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

молекуляр аллергология ва клиник иммунология соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш асосида аллергик ҳамда иммунологик касалликларнинг олдини олиш, уларга молекуляр ташхис қўйиш ва даволаш;

аллергик касалликларни эрта аниқлаш, келиб чиқиш сабабларини барта раф қилиш мақсадида скрининг дастурларини йўлга қўйиш;

тиббиётнинг бирламчи бўғинида аллергик ва иккиламчи иммунитет танқислиги касалликларининг профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш ва бошқариш миллий дастурларини амалиётга жорий этиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 майдаги «Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3715-сон қарори асосида Халқаро молекуляр аллергология маркази (кейинги ўринларда — Халқаро марказ) ташкил этилганлиги ҳамда аллерген ўсимликлар гулчанги-

нинг аэриобиологик мониторинг тизими республиканинг 9 та хуудиди амалиётга жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Халқаро марказ ва Марказнинг аллергик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш мақсадида аллерген ўсимликлар гулчангининг аэриобиологик мониторинг тизимини республиканинг барча хуудларида амалиётга жорий этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

8. 2024 йилдан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи тизим жорий қилинсин:

аллергик касалликлар келтириб чиқарувчи аэроаллергенлар таркиби ва мавсумий тарқалиш кўлами хуудлар кесимида ўрганилиб, унинг натижалари Халқаро марказ томонидан Гидрометеорология хизмати агентлигига мунтазам тақдим этиб борилади;

Гидрометеорология хизмати агентлиги аэроаллергенлар таркиби ва мавсумий тарқалиш кўлами тўғрисидаги маълумотлар атроф табиий муҳит ифлосланишига оид маълумотлар билан биргаликда тегишли веб-сайт ва бошқа манбалар орқали эълон қилиб борилишини таъминлайди.

9. 2023 — 2025 йилларда республика аҳолисига аллергологик ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) 2024 йил 1 апрелга қадар Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда аллергик касалликка чалинган беморларнинг электрон реестрини яратиш, амалиётга татбиқ этсин;

б) 2024 йил 1 январга қадар Марказ устави, ташкилий тузилмаси ҳамда харажатлар сметасини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

Бунда, Марказда болалар аллергологияси ва клиник иммунологияси, жонлантириш, болалар ва катталар тери аллергик касалликлари, клиник иммунология бўлимлари ҳамда ёрдамчи бўлимлар, консультатив-ташхислаш поликлиникаси, махсус молекуляр аллергологик ва клиник иммунологик лабораториялар ва илмий-ўқув симуляцион бўлимлар ташкил қилиниши инобатга олинсин;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарор талабларига мувофиқ тегишли хуудларда 2024-2025 йилларда аллергологик ва иммунологик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича хуудий дастурларни ишлаб чиқсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига кўриб чиқиш учун киритсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2024 йилдан бошлаб Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили камида 10 нафар аллерголог ва иммунолог мутахассисни нуфузли хорижий аллергология ва иммунология марказларида малака оширишга юбориш чораларини кўрсин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5199-сон қарорига 2-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А. Иноятов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 23 ноябрь,
ПҚ–371-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги
ПҚ–371-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил
28 июлдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган
тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5199-сон қарорига
кiritилаётган қўшимча ва ўзгартириш**

1. 1-банд «а» кичик бандининг иккинчи хатбошиси «имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни» сўзларидан кейин «(Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этилган чет давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахсларни)» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. 2-илованинг изоҳ қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Изоҳ:

амалдаги ордер бериш тартибига асосан расмийлаштирилган ордерлардан 2023 йилнинг 1 январига қадар фойдаланиш мумкин;

Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари якунлангунга қадар Давлат тиббий сугуртаси жамгармаси орқали бажарилган иш ҳажмига боғланмаган ҳолда вақтинчалик бир сатрда молиялаштирилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**478 «Ғиждувон» эркин иқтисодий зонасининг ҳудудини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–4931-сон Фармони билан ташкил этилган «Ғиждувон» эркин иқтисодий зонаси ҳудудини кенгайтириш, замонавий технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлар учун қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда импорт ўрнини босувчи, экспортбоп ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилиш мақсадида:

1. Бухоро вилояти ҳокимлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Кадастр агентлигининг ушбу қарорга иловада** келтирилган Бухоро вилоятининг Бухоро тумани «Тўдакўл» массивидаги туман ҳокимлиги захирасига олинган 69,5 гектар бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини ажратиш ҳисобидан «Ғиждувон» эркин иқтисодий зонаси ҳудудини кенгайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Кадастр агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Бухоро вилояти ҳокимлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг 1-бандига асосан Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботга тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

3. «Ғиждувон» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси Бухоро вилояти ҳокимлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда «Ғиждувон» эркин иқтисодий зонаси ҳудудидаги ер майдонларини электрон онлайн-аукционда сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан уч ой муддатда янги ҳудудларнинг бош режаси ишлаб чиқилишини таъминласин.

4. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ, «Ҳудудгазтаъминот» АЖ, «Ўзсувтаъминот» АЖ Бухоро вилояти ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда «Ғиждувон» эркин иқтисодий зонасидаги янги ҳудудларнинг тасдиқланган бош режасига асосан 2024 — 2026 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл инфратузилмаси билан таъминланиши лозим бўлган объектлар рўйхатини тасдиқласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш. Кудратов ҳамда Бухоро вилояти ҳокими Б.К. Зарипов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зим-
масига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 23 ноябрь,
ПҚ-372-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

479 Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида овчилар жамоат бирлашмалари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармони га мувофиқ жамоат хавфсизлигини таъминлашда овчилар жамоат бирлашмаларининг ўрнини кучайтириш, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармонида жамоат хавфсизлигини таъминлашда овчилар жамоат бирлашмаларининг ролини ошириш ва масъулиятини кучайтириш, шунингдек, уларнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги овчилар жамоат бирлашмаларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида тегишли давлат органларига кўмаклашиш ва амалий ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятини ташкил этишда замонавий услубларни жорий этсин, бунда қуйидаги асосий йўналишларга алоҳида эътибор қаратсин:

овчилик хўжаликлари ва уларга туташ бошқа ҳудудларда шубҳа уйғотувчи шахсларнинг бўлишини, улар томонидан қурол-аслаҳа, гиёҳвандлик воситалари, бошқа тақиқланган ашёларни олиб ўтиш ёки яшириб қўйиш, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа ҳолатларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича ваколатли давлат органларига амалий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятни янада кенгайтириш;

фуқароларни ов қуроли билан муомалада бўлиш ва ундан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш;

спортнинг ҳарбий-амалий турларини (стендга ўқ отиш, овчилик биатлон) ривожлантиришда, ушбу спорт турлари билан шуғулланиш учун зарур моддий-техник база ва инфратузилмани яратишда, шунингдек, овчилик-спорт клублари тизимини шакллантиришда иштирок этиш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 21 ноябрда эълон қилинган.

спортнинг ўқ отиш турлари бўйича иқтидорли ёш спортчиларни аниқлаш, тайёрлаш ҳамда ўқув-машқ жараёнини самарали ташкил этишда спорт ташкилотларига яқиндан кўмаклашиш.

3. Қўйидагиларни назарда тутувчи:

овчилик назорати жамоатчи инспектори фаолиятини ташкил этиш тартиби, овчилик назорати жамоатчи инспекторлари таркибини шакллантириш мезонлари ва овчилик назорати жамоатчи инспекторининг ваколатли давлат органларига амалий ёрдам кўрсатиш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи Овчилик назоратининг жамоатчи инспектори тўғрисидаги намунавий низом 1-иловага мувофиқ;

қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқитиш бўйича махсус қисқа муддатли ўқув курсларига қабулни ташкил этиш ҳамда ўқув юкламаси ҳажмини белгилаш, ўқув курсларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва якуний имтиҳонларни ўтказиш ҳамда ўқув курсларини тамомлагани тўғрисида гувоҳномалар бериш ва уларнинг реестрини юритиш тартибини назарда тутувчи Қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқитиш бўйича қисқа муддатли махсус ўқув курслари тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги:

икки ой муддатда ушбу қарорнинг тегишлилиги бўйича талабларини амалга ошириш механизмини белгилайдиган чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин ва унинг сифатли бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатсин;

Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси ҳамда унинг минтақавий тузилмалари билан биргаликда овчилик хўжаликлари ҳудудида қўшма рейдлар ва бошқа профилактика тадбирларини тажрибали ҳаваскор овчиларни жалб этган ҳолда доимий равишда ўтказиш амалиётини йўлга қўйсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 20 ноябрь,
609-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 20 ноябрдаги 609-сон қарорига
1-ИЛОВА

Овчилик назоратининг жамоатчи инспектори тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Намунавий низом ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги тадбирларни амалга оширишда овчилар жамоат бирлашмаларига аъзо бўлган фуқароларнинг (кейинги ўринларда — жамоатчи инспекторлар) жамоатчилик асосида иштирокини ташкил этиш тартибини, уларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Ушбу Намунавий низом қоидалари овчилар жамоат бирлашмалари бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Жамоатчи инспекторларнинг фаолияти белгиланган тартибда адлия органларида давлат рўйхатидан ўтказилган овчилар жамоат бирлашмалари таркибида ташкил этилиши мумкин.

4. Жамоатчи инспекторлар сони овчилар жамоат бирлашмалари томонидан юритиладиган овчилик хўжаликлари сони ва уларнинг майдониغا, чегараолди минтақасида ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда жойлашувидан (агар уларнинг муҳофаза режимида ов қилиш назарда тутилган бўлса) келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисидаги мезонларга асосан овчилар жамоат бирлашмалари томонидан жамоатчи инспекторлар гуруҳи тузилиши мумкин.

Жамоатчи инспекторлар таркиби, биринчи навбатда, овчилар жамоат бирлашмалари томонидан юритиладиган овчилик хўжаликлари штатида егерлар ёки бошқа штатдаги ов мутахассислари мавжуд бўлмаган ёки етишмайдиган овчилик хўжаликларида шакллантирилади.

Жамоатчи инспектор вазифаларини бажариш фуқарони овчилар жамоат бирлашмасига аъзоликка доир мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

Жамоатчи инспекторлар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадилар, улар билан меҳнат шартномаси расмийлаштирилмайди ва иш стажы ҳисобланмайди.

Овчилар жамоат бирлашмалари аъзолари жамоатчи инспектор вазифасини бажаришга фақат иш жойидан бўш вақтларида жалб этилиши мумкин.

5. Жамоатчи инспекторлар таркиби ов қилиш қоидаларини, шу жумладан, ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳитини, бўлиш ва урчиш жойларини, уларнинг кўчиб ўтиш йўлларини муҳофаза қилиш, ов қилиш учун рухсат этилган ҳамда тақиқланган жойларни, ёввойи ҳайвонларнинг турларини ҳамда ов қуроллари ва усулларини, ов қилиш учун белгиланган муддатлар-

ни, овланган ёввойи ҳайвонлар ва уларнинг яшаш фаолияти маҳсулотлари ҳисобини юритиш тартибини, ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини, шунингдек, овчилик хўжаликлари ва уларга туташган ҳудудларни яхши биладиган, интизомли, ташкилотчилик, кучли ирода, топқирлик, ташаббускорлик қобилиятларига ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга овчилар жамоат бирлашмалари аъзоларидан ихтиёрийлик тамойили асосида шакллантирилади.

6. Жамоатчи инспектор бўлиш истагини билдирган овчилар жамоат бирлашмаси аъзоси овчилар жамоат бирлашмаси раҳбарлик органига ариза билан муурожаат қилади.

Ариза овчилар жамоат бирлашмаси раҳбарлик органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ва унинг ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги (ов қилиш жойлари ўрмон фондига кирмайдиган ерларда жойлашган бўлса) ҳамда ҳудудий ички ишлар органларининг вакиллари иштирокидаги йиғилишда ариза келиб тушган кундан эътиборан ўттиз кундан ошмаган муддатда кўриб чиқилади. Бунда аризани кўриб чиқиш натижалари баён шаклида расмийлаштирилади.

Номзоди маъқулланган фуқарога овчилар жамоат бирлашмаси раҳбарлик органи йиғилиши баёнига мувофиқ овчилар жамоат бирлашмаси раҳбарининг буйруғи билан ушбу Намунавий низомга 1-иловага* мувофиқ шакл бўйича уч йил муддатга жамоатчи инспектор гувоҳномаси берилади.

7. Жамоатчи инспектор гувоҳномаси тартиб рақамига эга бўлади, овчилар жамоат бирлашмаси томонидан ушбу Намунавий низомга 2-иловага мувофиқ шаклда юритиладиган алоҳида ҳисобга олиш журналида қайд этилади ҳамда гувоҳнома олувчига журналга имзо қўйдирган ҳолда топширилади.

Бунда гувоҳнома рақами ҳисобга олиш журналидаги тартиб рақамга мос келиши керак.

Ҳисобга олиш журнали овчилар жамоат бирлашмаси раҳбарига шахсан бириктирилган махсус сейфда сақланади.

Ҳисобга олиш журнали белгиланган намунага мос, қаттиқ жилд билан муқоваланган ҳамда варақлари рақамланган, тикилган, овчилар жамоат бирлашмаси раҳбари имзоси ва муҳри билан, варақлари ва унинг юритилиши бошланган санаси кўрсатилган ҳолда тасдиқланган бўлиши керак.

2-боб. Жамоатчи инспекторларнинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

8. Қўйидагилар жамоатчи инспекторларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

овчилик хўжаликларида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилишини ўрганиб бориш ҳамда аниқланган

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хуқуқбузарликлар юзасидан табиатни муҳофаза қилиш давлат органлари ҳамда овчилар жамоат бирлашмасини хабардор қилиш;

овчилик хўжаликларида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва аниқлаш, қонунга хилоф равишда ов қилишга (браконьерликка) қарши курашиш бўйича табиатни муҳофаза қилишга масъул инспекторлар томонидан ўтказилаётган патруллик рейдлари ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

овчилик хўжаликлари, биринчи навбатда, чегараолди минтақаларида ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда ҳамда уларга туташ ҳудудларда жойлашган нотаниш, шубҳа уйғотувчи шахсларнинг пайдо бўлиши, қурол-аслаҳани, ўқ-дориларни, гиёҳвандлик воситаларини, бошқа тақиқланган ашёларни олиб ўтиш ёки яшириб қўйиш, жамоат хавфсизлигига таҳдид соладиган ёки таҳдид солиши мумкин бўлган ўзга ҳолатлар юзасидан хуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор қилиш;

ваколатли давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан овчилик хўжаликлари ҳудудида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш;

овчилик хўжаликлари ҳудудида табиий офатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганда ваколатли давлат органларини, овчилик хўжаликлари ходимларини ва аҳолини ўз вақтида хабардор қилишда ва ушбу ҳолатларни бартараф этишда қатнашиш;

фуқароларда атроф табиий муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатни шакллантиришда, табиат тўғрисидаги билимларни тарғиб қилиш ва оммалаштириш ишларини амалга оширишда, табиатни муҳофаза қилишга доир танловлар, кўргазмалар ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказишда иштирок этиш.

9. Жамоатчи инспекторлар ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажаришда қуйидаги хуқуқларга эга:

овчилик хўжаликлари ҳудудида бўлиб турган шахслар томонидан ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини бевосита кузатиш, аниқланган ҳолатлар бўйича белгиланган тартибда маълумотномалар ва ахборотлар тўплаш ҳамда ваколатли давлат органларига киритиш;

овчилик хўжалиги ҳудудини айланиб чиқиш (патруллик қилиш), хуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш ва расмийлаштириш учун хизмат ҳайвонлари ва транспорт воситаларидан, видеокузатув ҳамда кузатувнинг бошқа техник воситаларидан фойдаланиш, юкланган вазифаларни махсус кийим-бошда (формада) бажариш;

овчилик хўжаликларидан, табиатни муҳофаза қилиш органларидан ҳамда овчилик хўжалиги ҳудудида бўлиб турган шахслардан юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборотларни олиш;

табиатни муҳофаза қилиш давлат органлари ва хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан овчилик хўжаликлари ҳудудида ўт-

казилаётган инспекторлик рейдлари ва бошқа тадбирларда иштирок этиш, ҳуқуқбузарликлар ҳолатларига аниқлик киритишда ва уларни расмийлаштиришда қатнашиш;

овчилик хўжаликлари ҳудудида аниқланган ҳуқуқбузарликлар, шубҳали ҳолатлар ва шубҳа уйғотувчи шахслар хусусида ваколатли давлат органларига ахборот бериш ва маълумотлар киритиш;

аҳолининг табиатни муҳофаза қилишга доир маданияти ва билимини ошириш ишларида иштирок этиш;

хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишга оид фаолият бўйича қонунчиликни такомиллаштириш ва яхшилаш юзасидан овчилар жамоат бирлашмасига таклифлар киритиш;

муҳим жамоат тадбирларида фаол иштирок этиш ва хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда ундан оқилона фойдаланишга оид талаблар бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш, айбдорларни жавобгарликка тортишда кўмаклашгани учун давлат органларидан, овчилар жамоат бирлашмалари ёки бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларидан мукофотлар олиш.

Жамоатчи инспекторлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Жамоатчи инспекторлар:

хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишга доир ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, шунингдек, ушбу Низом ва овчилар жамоат бирлашмаси уставининг талабларига амал қилиши;

юқланган вазифалар доирасида табиатни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга амалий ёрдам кўрсатиши;

овчилик хўжаликлари фаолиятига аралашмаслиги;

овчилик назорати жамоатчи инспектори гувоҳномасини ўзининг ёнида олиб юриши ва овчилик хўжаликлари ҳудудида бўлаётган шахсларнинг талаби бўйича тақдим этиши;

ўзига ишониб топширилган техник воситаларни, махсус кийим-бош (форма) ва бошқа мол-мулкни эҳтиёт қилиши ҳамда уларни соз ҳолатда сақлаши лозим.

3-боб. Жамоатчи инспекторлар фаолиятини ташкил этиш

11. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари ҳамда овчилар жамоат бирлашмалари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида жамоатчи инспекторлар фаолиятига услубий раҳбарлик қилади.

12. Жамоатчи инспекторлар ўз фаолиятини овчилар жамоат бирлашмаси раҳбари томонидан тасдиқланган режалар асосида амалга оширади.

Режаларда жамоатчи инспекторларга бириктирилган ҳудудларнинг номи

ва аниқ чегаралари, уларни айланиб чиқиш (патруллик қилиш) тартиби ва давомийлиги, юзага келаётган вазиятни кузатиб бориш билан боғлиқ бўлган асосий ҳамда алоҳида вазифалар, овчилар жамоат бирлашмаси, табиатни муҳофаза қилиш давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мансабдор шахслари билан ахборот алмашинувини таъминлаш қоидалари, амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисобот бериш тартиби назарда тутилиши мумкин.

13. Жамоатчи инспекторларни ўқитиш, фаолиятини амалга ошириш давомида уларга йўриқнома ўтказиш ва вазифаларни белгилаш овчилар жамоат бирлашмаси раҳбари, заруратга кўра эса Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Давлат экологик назорат инспекциясининг ҳамда ҳудудий ички ишлар органлари ходимлари томонидан амалга оширилади.

Жамоатчи инспекторлар зиммасига ушбу Намунавий низомда ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланмаган вазифаларни юклаш ёки топшириқлар бериш, уларни давлат сирларини ташкил этувчи ҳужжатлар билан таништириш тақиқланади.

14. Жамоатчи инспекторлар давлат органлари ва овчилар жамоат бирлашмалари ёки бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рағбатлантирилиши мумкин.

15. Жамоатчи инспекторлар фаолият юритиши учун шароитлар яратиш, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш билан боғлиқ харажатлар овчилар жамоат бирлашмалари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

16. Жамоатчи инспекторлар ўзига юкланган вазифаларни бажариши учун овчилар жамоат бирлашмалари томонидан махсус кийим-бош (форма) билан бепул таъминланади.

Махсус кийим-бош (форма) намуналари овчилар жамоат бирлашмаси раҳбарлик органи томонидан тасдиқланиши мумкин.

17. Жамоатчи инспекторларга юкланган вазифаларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, уларга овчилар жамоат бирлашмалари томонидан хизмат ҳайвонлари, транспорт ва алоқа воситалари, видеокузатув ҳамда кузатувнинг бошқа техник воситалари вақтинча фойдаланиш учун берилиши мумкин.

4-боб. Якунловчи қоидалар

18. Жамоатчи инспектор гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш ёки амал қилишини тугатиш ушбу гувоҳномани беришга доир умумий тартибда амалга оширилади.

19. Жамоатчи инспектор гувоҳномасининг амал қилиш муддати жамоатчи инспекторнинг аризаси асосида узайтирилади.

20. Жамоатчи инспектор гувоҳномаси амал қилишини тугатишга қуйидагилар асос бўлади:

гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаганда;

жамоатчи инспекторнинг аризасига мувофиқ;

жамоатчи инспектор унга юкланган вазифаларни бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда ёки унинг фаолиятида қонунчилик ҳужжатларига зид хатти-ҳаракатлар аниқланганда;

жамоатчи инспектор суд томонидан жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик (ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини бузганлик) содир этганликда айбдор деб топилганда;

жамоатчи инспектор овчилар жамоат бирлашмасининг устави талабларини қўпол равишда бузганда ёки овчилар жамоат бирлашмаси аъзолигидан чиқарилганда;

жамоатчи инспекторга ов қуролини сақлаш ва олиб юришга доир берилган рухсатноманинг амал қилиши тугатилганда ёки бекор қилинганда, агар унинг жамоатчи инспектор мажбуриятларини бажариши ов қуроли билан бевосита боғлиқ бўлса.

Амал қилиши тугатилган гувоҳнома жамоатчи инспектор томонидан уч кун муддат ичида уни берган овчилар жамоат бирлашмасига қайтарилиши шарт.

21. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 20 ноябрдаги 609-сон қарорига
2-ИЛОВА

Қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқитиш бўйича қисқа муддатли махсус ўқув курслари тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом фуқаровий ов қуролини олиш учун биринчи марта рухсатнома олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни (кейинги ўринларда — фуқаролар) қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқитиш бўйича қисқа муддатли махсус ўқув курсларини ташкил этиш ва уларда ўқитиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

қурол — тузилишига кўра жонли нишонни ёки бошқа нишонни уриш, сигналлар бериш учун мўлжалланган қурилмалар ва ашёлар. Тузилиши жиҳатидан қуролга ўхшаш бўлган хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш мақсадидаги буюмлар сифатида сертификатланган буюмлар, шунингдек, тузилиши жиҳатидан қуролга ўхшаш бўлган спорт аслаҳалари қурол жумласига кирмайди;

қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқитиш бўйича қисқа муддатли махсус ўқув курслари (кейинги ўринларда — ўқув курслари) — овчилар жамоат бирлашмаси томонидан фуқароларни ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ов қилиш, қурол билан муомалада бўлиш ва ундан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқитиш бўйича ташкил этиладиган ҳуқуқий-назарий ва амалий ўқув машғулотлари мажмуаси;

тингловчи — қурол олишга биринчи марта рухсатнома олаётган, ўқув курсларида ўқиш учун тўлов суммасини тўлаган ва ўқув курсларига қабул қилинган шахслар;

инструктор — ўқув курсларида тингловчиларни ўқитадиган, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институтида тингловчи курсларини муваффақиятли тугатиб, белгиланган намунадаги сертификатни олган, овчилар жамоат бирлашмаси штатидаги ходим, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг Жамоат хавфсизлиги хизмати, Жамоат тартибини сақлаш бошқармаларининг туман (шаҳар) ички ишлар бўлимларининг назорат-лицензиялаш фаолиятини ташкил этиш бўлинмаси ходими;

гувоҳнома — қуролни олишга рухсатнома расмийлаштириш учун ички ишлар органига мурожаат қилиш ҳуқуқини берувчи, тингловчининг ўқув курсларини муваффақиятли тугатганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

ўқ отиш стенди — спорт мусобақалари ва ўқув-машқ йиғинларини ўтказишга, шунингдек, кўнгилочар мақсадларда силлиқ стволли ўқотар ов

ҳамда силлиқ стволли ўқотар спорт қуролидан учар нишонларга қарата ўқ отиш учун махсус мўлжалланган (жиҳозланган) муҳандислик-қурилиш иншооти;

тир — спорт мусобақаларини, ўқув-машқ йиғинлари ва ўқув ўқ отиш машқларини ўтказишга, қуролни текширишга, шунингдек, кўнгилочар мақсадларда фуқаровий ва хизмат ўқотар қуролидан, пневматик ов қуролидан, пневматик спорт қуролидан, спорт улоқтириш қуролидан ҳаракатланмайдиган ҳамда ҳаракатланувчи нишонларга қарата ўқ отиш учун махсус мўлжалланган (жиҳозланган) муҳандислик-қурилиш иншооти;

ўқ отиш майдони — бир неча тир ва (ёки) ўқ отиш стендларидан ташкил топган мажмуа.

3. Ушбу Низом қоидалари қуролни олишга биринчи марта рухсатнома олаётган фуқароларга нисбатан татбиқ этилади.

Қуролни иккинчи ва ундан кўп марта олишга, шунингдек, қуролни сақлаш ва олиб юришга, сақлашга доир рухсатномаларни олаётган фуқароларнинг ўқув курсларида ўқиши тавсиявий ҳисобланади.

4. Ушбу Низом қоидалари қўйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

тиғли совуқ (ов пичоқлари, ов ханжарчалари ва ханжарлар) қуролни олаётган фуқароларга;

сигнал берувчи ов қуролни, спорт қуролни, ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуролни, коллекциялаш ва кўргазмага қўйиш учун мўлжалланган қуролни олишга доир рухсатномаларни олаётган фуқароларга;

мукофот қилинган қуролни сақлаш ва олиб юришга доир рухсатномани олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаровий қуролни олишга доир рухсатномаларини олаётган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган чет эл фуқароларига.

5. Ўқув курслари:

қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласига доир қонунчилик ҳужжатлари талабларини, овчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини;

ов қилиш қоидаларини, шу жумладан, атроф-муҳитни, ёввойи ҳайвонлар яшаш муҳитини, бўлиш ва урчиш жойларини, уларнинг кўчиб ўтиш йўллари-ни муҳофаза қилиш, ов қилиш учун рухсат этилган ва тақиқланган жойларни, ёввойи ҳайвонларнинг турларини ҳамда ов қуроллари ва усулларини, ов қилиш учун белгиланган муддатларни, овланган ёввойи ҳайвонлар ва уларнинг яшаш фаолияти маҳсулотларининг ҳисобини юритиш тартибини;

қурол билан муомалада бўлиш, ов қилиш ва балиқ овлаш, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш учун жавобгарлик чораларини;

фойдаланиладиган қурол ва унинг ўқ-дорилари асосий турларини, уларнинг тактик ва техник тавсифларини ҳамда баллистик хусусиятларини, уларни сақлаш, ташиш, олиб юриш ва улардан фойдаланиш тартибини;

қуролни ўқлашда, тозалашда, қўллашда, қурол билан бошқа шаклларда муомала қилишда шахсий, атрофдагиларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш ҳамда ёнғинга қарши чораларни;

ўқдан яраланганда ва бошқа турдаги тан жароҳатларининг асосий турлари бўйича бирламчи шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш асосларини ўзлаштириб олиш учун зарур бўлган мустахкам ва етарли ҳажмда билимларни ҳамда амалий кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадларида ташкил этилади.

Ўқув курсларида:

ушбу банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларига доир қисмда — овчилар жамоат бирлашмаси штатидаги ходимлари таркибидан тайёрланган инструкторлар томонидан;

ушбу банднинг бешинчи — еттинчи хатбошиларига доир қисмда — ички ишлар органлари назорат-лицензиялаш фаолиятини ташкил этиш бўлинмаси ходимлари таркибидан тайёрланган инструкторлар томонидан ўқитилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институти томонидан инструкторларни тайёрлаш бўйича ўқув жараёни доирасидаги алоҳида ўқув машғулотларини ўтказиш учун Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, шунингдек, овчилар жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон ўқ отиш спорти федерацияси, овчилик ва отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг малакали ходимлари ва тажрибали мутахассислари келишув асосида жалб этилиши мумкин.

7. Ўқув курсларида тингловчилар ишдан ажралган ҳолда ўқитилади.

8. Ўқув курсларида ўқиш билан боғлиқ харажатлар овчилар жамоат бирлашмаси томонидан белгиланади ҳамда овчилар жамоат бирлашмаси ва фуқаро ўртасида тузиладиган шартномага асосан кўрсатилади. Бунда тўлов суммасини курсларда ўқиш давомида бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилиши мумкин.

9. Шартномада фуқаро хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқитилиши лозим бўлган қурол тури (силлиқ стволли ов қуроли, сойли стволли ов қуроли, пневматик ов қуроли) кўрсатилиши лозим.

10. Ўқув курсларида ўқитиш учун шартнома суммасининг 50 фоизи овчилар жамоат бирлашмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жамоат хавфсизлиги департаменти Жамоат тартибини сақлаш хизматининг махсус ҳисобварағига ўтказилади.

2-боб. Ўқув курсларига қабулни ташкил этиш

11. Ўқув курсларига йигирма беш ёшга тўлган фуқаролар қабул қилинади.

12. Ўқув курсларида ўқишни хоҳловчи фуқаролар йил давомида ўқув курсларига қабул қилиш ҳақидаги аризани ва унга илова қилинган қуйидаги ҳужжатларни овчилар жамоат бирлашмасига бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда овчилар жамоат бирлашмасининг электрон манзилига (мавжуд бўлса) улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этади:

овчилар жамоат бирлашмаси томонидан берилган овчилик гувоҳномаси нусхаси;

фуқаролик паспорти (идентификацияловчи ID-картаси) ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун);

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахнинг Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси (идентификацияловчи ID-картаси).

13. Ўқув курсларидаги ўқув жараёни тингловчилар сони қоидага кўра гуруҳларнинг тўлдирилишига боғлиқ ҳолда камида 15 — 20 кишидан иборат, бироқ 25 кишидан ортиқ бўлмаган гуруҳларда ташкил қилинади.

14. Ўқув курсларининг гуруҳлар таркиби шакллантирилгандан сўнг овчилар жамоат бирлашмаси томонидан икки иш кунда ўқув курслари муддати (йил, ой, сана, машғулотлар бошланиши ва тугалланиши вақти), фуқароларнинг рўйхати акс эттирилган режа-жадвал тасдиқланиб, шу куннинг ўзида фуқароларга ёзма равишда хабарнома юборилади.

Хабарномада ўқув курслари муддати, ўқиш учун тўлов суммаси, овчилар жамоат бирлашмасининг банк ҳисобварағи реквизитлари ва тўлаш муддати кўрсатилади.

15. Олинган хабарномага асосан ўқув жараёни бошлангунга қадар овчилар жамоат бирлашмасига ўқиш учун мурожаат қилмаган ёки ўқиш учун белгиланган тўловни амалга оширмаган фуқаролар ўқув курсларига қабул қилинмайди ва бу ҳақда овчилар жамоат бирлашмаси томонидан бир иш кунда фуқароларга ёзма равишда хабарнома юборилади.

Мазкур ҳолларда фуқаролар кейинги ташкил этиладиган ўқув курсларида ўқишга қабул қилиниши мумкин.

16. Ўқув курсларида ўқиш учун режа-жадвалда кўрсатилган ҳамда тўлов суммасини тўлаган фуқаролар овчилар жамоат бирлашмаси раҳбари буйруғи билан тингловчи сифатида ўқишга қабул қилинади.

3-боб. Ўқув курсларида ўқув юкласи ҳажми ва ўқув жараёни

17. Ўқув курслари камида икки нафар инструктор томонидан ташкил этилади.

18. Ўқув курслари овчилар жамоат бирлашмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган ўқув дастурларига мувофиқ ўтказилади.

19. Ўқув машғулотлари инструкторлар томонидан ташкил этилади. Ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур ҳолларда вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг малакали ходимлари ҳамда тажрибали мутахассислари келишув асосида жалб этилиши мумкин.

20. Ўқув курсларида ўқув жараёнининг умумий давомийлиги бир ҳафтани (36 (54 академик) соат) ташкил этади.

Умумий ўқув вақти ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий таълим — 24 (36 академик) соат;

амалий машғулотлар — 12 (18 академик) соат, шу жумладан, қуролдан

ўқ отишни ўргатиш машғулоти (ўқув ўқ отиш машқлари) — 6 (9 академик) соат.

21. Ўқув машғулоти маъруза, семинар ва амалий машғулоти шаклида ўтказилади. Назарий ўқув машғулотларини ўтказишда интерфаол ўқиш услублари қўлланилиши тавсия этилади.

Ўқув машғулоти давомида тингловчиларга назорат топшириқлари (тест, ёзма иш ва бошқалар) берилади.

22. Аудитория машғулоти давомийлиги 80 дақиқани (танаффуссиз, икки академик соат) ташкил этади, ўқув машғулоти оралиғидаги танаффус — камида 10 дақиқадан иборат бўлади.

23. Ўқув ўқ отиш машқлари овчилар жамоат бирлашмасига тегишли бўлган ҳамда ички ишлар органларининг рўйхатига олинган қурол ва ўқ-дорилари билан фуқаровий қурол ва унинг ўқ-дориларини сақлашга доир рухсатномаларига эга бўлган ўқ отиш стенди, тир ёки ўқ отиш майдонида ўтказилади.

24. Овчилар жамоат бирлашмаси ўқув курсларини ташкил этиш учун жиҳозланган хоналарга ва (ёки) қурол ва ўқ-дориларни сақлаш хонасига эга бўлмаганда, ўқув машғулотларини ўтказиш ва (ёки) қурол ва ўқ-дориларни сақлаш шартномавий тартибда фуқаровий қурол ва унинг ўқ-дориларини сақлашга доир рухсатномага эга бўлган юридик шахсда ёки ички ишлар органларида амалга оширилиши мумкин.

25. Овчилар жамоат бирлашмаси ўзига тегишли бўлган ўқ отиш стенди, тир ёки ўқ отиш майдонига эга бўлмаганда, ўқув ўқ отиш машқлари шартномавий тартибда фуқаровий қурол ва унинг ўқ-дориларини сақлашга доир рухсатномаларига эга бўлган юридик шахснинг ўқ отиш стенди, тири ёки ўқ отиш майдонида, ёхуд ички ишлар органларининг ўқ отиш полигонларида ўтказилиши мумкин.

26. Силлиқ стволли ўқотар ов қуроли билан ўқув ўқ отиш машқлари ўқ отиш стендида, сойли стволли ўқотар ов қуроли ва пневматик ов қуроли билан ўқув ўқ отиш машқлари эса, тир ёки ўқ отиш майдонида ўтказилади.

Силлиқ стволли ўқотар ов қуроли билан ўқув ўқ отиш машқлари бир неча ўқ отиш стендидан иборат бўлган ўқ отиш майдонида ўтказилиши мумкин.

Сойли стволли ўқотар ов қуроли ва пневматик ов қуроли билан ўқув ўқ отиш машқлари бир неча тирлардан иборат бўлган ўқ отиш майдонида ўтказилиши мумкин.

27. Ўқ отиш тиридаги ўқув ўқ отиш машқларида қатнашишга фақат қуролни ўқлаш, тозалаш, олиб юриш, қўллашда шахсий, атрофдагилар хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш чораларини, шунингдек, ўқув ўқ отиш машқлари шартлари ва хавфсизлик қоидаларига оид билим ва кўникмалар бўйича ўтказилган назорат синовларидан муваффақиятли ўтган тингловчиларга рухсат берилади.

28. Ўқув ўқ отиш машқлари овчилар жамоат бирлашмаси раҳбари томонидан ушбу машқларни ўтказиш учун масъул бўлган инструктор (инструкторлар) тайинлангандан сўнг гуруҳма-гуруҳ ўтказилади.

29. Ўқув ўқ отиш машқларини ўтказиш учун масъул бўлган инструктор (инструкторлар) томонидан машқлар ўтказилишидан олдин тингловчиларга хавфсизлик қоидалари бўйича йўл-йўриқлар берилади, шунингдек, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилади.

30. Ўқув курси жараёнида тингловчиларнинг машғулотларда қатнашиш давомати, уларни ўтказиш санаси, мавзуси, дарс соатлари миқдорлари, назорат топшириқлари натижаларининг ҳисоби юритилади.

4-боб. Тингловчиларнинг якуний имтиҳони

31. Тингловчилар ўқув курсларида ўқишни тугатгандан сўнг тест синовлари шаклида якуний имтиҳон топширади.

32. Ўқув курслари тингловчиларининг билимини баҳолашни ташкил этиш ва ўтказиш учун овчилар жамоат бирлашмаси томонидан камида 3 — 5 кишидан иборат имтиҳон комиссияси тузилади. Имтиҳон комиссияси раиси, таркиби ва ишлаш тартиби овчилар жамоат бирлашмаси томонидан тасдиқланади.

Комиссия таркибига бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг ходимлари ҳамда мутахассислари келишув асосида жалб этилиши мумкин.

33. Якуний имтиҳон топшириқлари ўқув курси дастурига мувофиқ тузилади. Имтиҳон натижалари 100 балли тизимда баҳоланади.

Якуний имтиҳонда тест синовлари учун ажратилган максимал баллнинг 70 фоизидан кам балл тўплаган тингловчилар ўқув курсларини муваффақиятли ўзлаштирмаган ҳисобланади.

34. Якуний имтиҳонда узрли сабаб туфайли иштирок этмаган тингловчилар навбатдаги гуруҳ тингловчилари билан биргаликда иштирок этишлари мумкин.

35. Тест синовларидан муваффақиятли ўта олмаган тингловчиларга кейинги ўқув курслари якунида имтиҳонни фақат бир марта қайта топширишга имкон берилади.

Қайта топшириш натижаларига кўра имтиҳондан ўта олмаган тингловчилар хоҳишига кўра ушбу Низомда белгиланган тартибда ўқув курсларига такроран қабул қилинади.

36. Имтиҳон натижалари имтиҳон ўтказилган куни комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланган баённома ва имтиҳон қайдномаси орқали расмийлаштирилади ҳамда тингловчиларга эълон қилинади.

5-боб. Тингловчиларнинг ўқув курсларини тамомлагани тўғрисидаги ҳужжатларни бериш, гувоҳномалар реестрини юритиш

37. Имтиҳон комиссияси баённомасига асосан якуний имтиҳондан муваффақиятли ўтган тингловчиларга бир иш кунида ушбу Низомга иловада* белгиланган намунадаги ҳамда QR-код (матрик штрихли код) билан рўйхат-

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дан ўтказиладиган гувоҳнома, имтиҳонлардан ўта олмаган тингловчиларга эса, улар ўқув курсларини тамомлагани тўғрисидаги маълумотнома берилади. Гувоҳнома ва маълумотномалар овчилар жамоат бирлашмаси раҳбари томонидан имзоланади.

Гувоҳнома фуқароларга берилган гувоҳномалар реестрига имзо қўйдирган ҳолда топширилади.

38. Гувоҳномада фуқаро хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқитилган қурол тури (силлиқ стволли ов қуроли, сойли стволли ов қуроли, пневматик ов қуроли) кўрсатилиши шарт.

39. Гувоҳнома унинг амал қилиши чекланмаган муддатга берилади.

40. Гувоҳнома кимнинг номига берилган бўлса, ўша фуқарога ички ишлар органида силлиқ стволли ов қурolini, сойли стволли ов қурolini ва (ёки) пневматик ов қурolini олишга доир рухсатномани олиш учун асослардан бири ҳисобланади.

41. Овчилар жамоат бирлашмаси томонидан қўйдагилар кўрсатилиши лозим бўлган гувоҳномалар реестри (кейинги ўринларда — реестр) юритилади:

гувоҳнома эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, доимий яшаш манзили, телефони;

гувоҳнома эгаси хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқитилган қурол тури (силлиқ стволли ов қуроли, сойли стволли ов қуроли, пневматик ов қуроли);

гувоҳномани бериш учун асос бўлган комиссия баённомасининг санаси ва рақами;

гувоҳнома берилган сана, унинг серияси ва тартиб рақами;

гувоҳнома дубликатини бериш асоси ва санаси.

42. Реестр қоғоз манбада бир нусхада юритилади.

Қоғоз манбадаги реестр журнали ҳудудий ички ишлар органида ҳисобга қўйилган бўлиши лозим.

Реестр қўшимча равишда электрон манбаларда ҳам юритилиши мумкин.

Қоғоздаги ва электрон манбалардаги ёзувлар ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлган тақдирда, қоғоз манбалардаги ёзувлар устувор аҳамиятга эга бўлади.

Ушбу Низомнинг 41-бандида кўрсатилган реестр маълумотлари уларни тасдиқлайдиган ҳужжатлардаги мавжуд маълумотларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, ушбу Низомнинг 41-бандида кўрсатилган маълумотлар уларга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар ишончли ҳисобланади.

43. Реестр журнаliga тартиб рақами қўйилади, унинг бетлари изчил кетма-кетликда рақамланади ва ип ўтказиб тикилади.

Реестр журналининг титул varaғида овчилар жамоат бирлашмаси номи, шунингдек, у қачон юритилиши бошлангани ва тугатилгани кўрсатилади.

Реестр журналининг охириги бетида унинг нечта бетдан иборат эканлиги кўрсатилади ва ушбу маълумотлар овчилар жамоат бирлашмаси раҳбарининг имзоси, шунингдек, ҳудудий ички ишлар органи масъул ходимининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади.

44. Реестр журналидаги ёзувлар кўк ёки қора рангли шарикли ручка

билан аниқ ёзилиши шарт. Ёзувни қайд қилишда ўчириш ва тузатишларга йўл қўйилмайди. Хато ёзилганда, матнни ўқиш имкониятини берадиган ҳолда ушбу хато ингичка чизик билан ўчирилиб, унинг тепасидан тўғриланган ёзув киритилади ва тегишли ёзув киритилган сатрнинг изоҳ қисмида «тузатилди» деб ёзиб қўйилади ҳамда матнни тўғрилаган шахснинг имзоси билан тасдиқланади.

45. Реестрнинг тўғри тўлдирилиши ва реестр журналининг бутлиги, шунингдек, гувоҳномалар бланкларининг ҳисоби юритилиши, сақланиши ва мақсадли ишлатилиши учун овчилар жамоат бирлашмаси раҳбари ёки унинг буйруғи билан ушбу вазифалар юкланган масъул шахс жавобгар бўлади.

46. Реестр журнали қулфланадиган сейф ёки металл шкаф (яшик)да сақланади.

47. Реестр журнали тўлиқ тўлдирилгунча юритилади.

Тўлиқ тўлдирилиб, юритилиши тугатилган реестр журнали ҳудудий ички ишлар органига топширилади.

48. Реестрдаги маълумотлар фойдаланилиши чекланган ахборот ҳисобланади ва ошкор қилинмайди, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Реестрдаги мавжуд маълумотлар овчилар жамоат бирлашмаси томонидан ички ишлар ёки бошқа ваколатли орган сўровига мувофиқ тегишли сўров олинган кундан бошлаб бир иш кунини тақдим этилади.

49. Йўқолган ёки ярқисиз ҳолга келган гувоҳнома ўрнига фуқаронинг мурожаатига асосан мурожаат келиб тушган кундан эътиборан икки иш кунини ичида гувоҳноманинг аввалги ҳисобга олиш серияси ва тартиб рақами кўрсатилган дубликати расмийлаштириб берилади. Гувоҳнома дубликатининг юқори ўнг бурчагига «Дубликат» деган ёзув киритилади.

Гувоҳнома дубликатини беришда фуқаро томонидан овчилар жамоат бирлашмасининг дубликат бланкасини тайёрлаш билан боғлиқ харажатлари қопланади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

50. Инструкторлар беш йилда камида бир марта қайта тайёрланади.

51. Тингловчилар қуйидаги ҳолатларда ўқув курсларидан четлаштирилади:

ўз хоҳишига кўра;

ўқув курслари назарий таълим қисмининг 4 академик соатдан кўп ҳажмдаги машғулотларда қатнашмаганда;

ўқув ўқ отиш машқларида тўлиқ қатнашмаганда;

ўқув интизомини ва овчилар жамоат бирлашмасининг ички тартиб-қоидаларини мунтазам равишда ёки бир маротаба кўпол равишда бузганда; вафот этганда.

52. Тингловчини ўқув курсларидан четлаштириш овчилар жамоат бирлашмаси раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқда четлаштириш сабаби ва асослари кўрсатилади.

53. Ўқув курслари тингловчилари ўқишдан четлаштирилганда ёки тест синовларидан муваффақиятли ўта олмаганда, уларга ўқиш учун тўланган тўлов суммаси қайтарилмайди.

54. Гувоҳнома олиниши фуқаро овчилар жамоат бирлашмалари устав ҳужжатларига мувофиқ ҳар йили қурол ва унинг ўқ-дориларни сақлаш, ташиш, олиб юриш ва ундан фойдаланиш, ўқлаш-ўқсизлантириш, тозалаш, улар билан хавфсиз муомалада бўлиш қоидалари бўйича билимларга оид мажбурий нормативларни («овчилик минимуми») топшириш мажбуриятидан озод этмайди.

55. Ички ишлар органларининг қуролни олишга доир рухсатномаси гувоҳномада кўрсатилган қурол турини (силлиқ стволли, сойли стволли, пневматик) олиш учун берилади.

56. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI
О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR VAZIRLIGINING
QARORI**

480 “**Temir yo‘llarda pochmani tashish va pochta vagonlarini ekspluatatsiya qilish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida**”gi qaror, shuningdek unga o‘zgartirishlarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil
22-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1613-2*

O‘zbekiston Respublikasining “Davlat tili haqida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 8-avgustdagi PF–5505-son “Norma ijodkorligi faoliyatini takomillashtirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi va Raqamli texnologiyalar vazirligi **qaror qiladi:**

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.
2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste‘molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi bilan kelishilgan.
3. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Transport vaziri

Toshkent sh.,
2023-yil 30-oktabr,
28-son

I. MAXKAMOV**Raqamli texnologiyalar vaziri**

Toshkent sh.,
2023-yil 26-oktabr,
258-mh-son

Sh. ShERMATOV

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 22-noyabrda e‘lon qilingan.

Kelishildi:

*Raqobatni rivojlantirish va
iste'molchilar huquqlarini himoya
qilish qo'mitasi raisi*

Sh. ShARAXMETOV

2023-yil 17-oktabr

O'zbekiston Respublikasi
Transport vazirligining 2023-yil 30-oktabrdagi
28-son va Raqamli texnologiyalar vazirligining
2023-yil 26-oktabrdagi 258-mh-son qaroriga
ILOVA

**O'z kuchini yo'qotgan deb topilayotgan idoraviy
normativ-huquqiy hujjatlar
RO'YXATI**

1. O'zbekiston Respublikasi Temir yo'llarda yuk va yo'lovchilar tashish xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi "O'zdavtemiryo'lnazorat" hamda O'zbekiston Aloqa va axborotlashtirish agentligining 2006-yil 17-iyuldagi GI 1/6-7-16-son va 01-8/2319-son "Temir yo'llarda pochta tashish va pochta vagonlarini ekspluatatsiya qilish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi qarori (ro'yxat raqami 1613, 2006-yil 16-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2006-y., 33-son, 336-modda).

2. O'zbekiston Respublikasi Temir yo'llarda yuk va yo'lovchilar tashish xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi hamda O'zbekiston Respublikasi Aloqa va axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalari davlat qo'mitasining 2013-yil 12-apreldagi 37-son va 16/1-mx-son "Temir yo'llarda pochta tashish va pochta vagonlarini ekspluatatsiya qilish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi qaroriga o'zgartishlar kiritish haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1613-1, 2013-yil 10-may) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 19-son, 249-modda).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭКОЛОГИЯ, АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА
ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

481 Айрим турдаги ёввойи ўсимликларнинг тарқалишини ва уларнинг миқдорини тартибга солиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2590-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги ва 2022 йил 11 январдаги ЎРҚ–743-сон «Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги ПФ–81-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2014 йил 8 майдаги 92/1, 1-сон қарори (рўйхат рақами 2590, 2014 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 23-сон, 274-модда) билан тасдиқланган Айрим турдаги ёввойи ўсимликларнинг тарқалишини ва уларнинг миқдорини тартибга солиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим ўзгариши вазири**

А. АБДУХАКИМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 23 октябрь,
МҲ-15-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

Қишлоқ хўжалиги вазири**А. ВОИТОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 20 октябрь,
01/22-05/5345-сон

Ўзбекистон Республикаси
Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2023 йил
23 октябрдаги МХ-15-сон, Қишлоқ хўжалиги
вазирлигининг 2023 йил 20 октябрдаги
01/22-05/5345-сон қарорига
ИЛОВА

**Айрим турдаги ёввойи ўсимликларнинг тарқалишини ва
уларнинг миқдорини тартибга солиш қоидаларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадан «Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 1-банднинг еттинчи хатбошисидаги «Республикада карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларнинг рўйхатида (рўйхат рақами 2544, 2013 йил 26 декабрь)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмлар рўйхатида (рўйхат рақами 3357, 2022 йил 31 март)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 4-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «карантин тадбирларини» деган сўзлар «ўсимликлар карантинига доир тадбирларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 2-бобнинг 4-параграфи номи ва 19-банддаги «Карантин тадбирларини» деган сўзлар «Ўсимликлар карантинига доир тадбирларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5.16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Ўсимликлар карантинига доир тадбирларнинг мақсади ўсимликлар карантини объектларининг хорижий мамлакатлардан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини объектлари тарқалган ҳудудидан Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини объектларидан холи бўлган ҳудудларига кириб келиши натижасида зарар етказилиши хавфининг олдини олиш, уни чеклаш ва бартараф этишдан иборат ҳисобланади.»

6. 17 ва 20-бандлардаги «Карантин тадбирлари» деган сўзлар «Ўсимликлар карантинига доир тадбирлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 18-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

8. 22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Ўсимликлар карантинига доир тадбирларнинг бажарилиши устидан давлат назорати ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизмати органлари томонидан амалга оширилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

482 «Спортчи» лавозимиغا қўйиладиган талаблар, уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгилаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3051-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июндаги ПҚ–268-сон «Давлат спорт-таълим муассасалари фаолиятини мутлақо янги тизим асосида ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 7 апрелдаги ПҚ–114-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 20 июлдаги 11-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3051, 2018 йил 10 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.08.2018 й., 10/18/3051/1693-сон) билан тасдиқланган «Спортчи» лавозимиغا қўйиладиган талаблар, уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгилаш тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 1 ноябрь,
16-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил
1 ноябрдаги 16-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Спортчи» лавозимига қўйиладиган талаблар,
уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгилаш тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадан «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 733-сон «Республика олий спорт маҳорати мактаблари ва ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида спортчи лавозимини жорий этиш ҳамда уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 1-банддаги «Республика олий спорт маҳорати мактаблари ва ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг» деган сўзлар «Спорт турларини ривожлантириш республика марказлари ва ихтисослаштирилган спорт мактабларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 2-банддаги «Республика олий спорт маҳорати мактаблари ва ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида» деган сўзлар «Спорт турларини ривожлантириш республика марказлари ва ихтисослаштирилган спорт мактабларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 4-банднинг учинчи хатбошисидаги «Республика олий спорт маҳорати мактаблари ёки ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг» деган сўзлар «Спорт турларини ривожлантириш республика марказлари ёки ихтисослаштирилган спорт мактабларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 7-банддаги «спортчи шуғулланаётган спорт мактабида» деган сўзлар «спортчи шуғулланаётган Спорт турларини ривожлантириш республика маркази ёки ихтисослаштирилган спорт мактабида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. «Спортчи» лавозимига устамалар Спорт турларини ривожлантириш республика марказлари ҳамда ихтисослаштирилган спорт мактаблари раҳбари томонидан Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатларида ва бошқа спорт мусобақаларида эришган натижаларидан келиб чиқиб, Спорт турларини ривожлантириш республика маркази ва ихтисослаштирилган спорт мактаби тренерлар кенгашининг қарорига асосан уларнинг лавозим иш ҳақига нисбатан моддий рағбатлантириш жамғармаси доирасида белгиланади.».

7. 11-банддаги «бузилганда устамалар спорт мактаби» деган сўзлар «бузилганда устамалар Спорт турларини ривожлантириш республика маркази ва ихтисослаштирилган спорт мактаби» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 12-банддаги «меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари спорт мактабининг» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари Спорт турларини ривожлантириш республика маркази ва ихтисослаштирилган спорт мактабининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

483 Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3135-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2022 йил 6 июндаги ПҚ–268-сон «Давлат спорт-таълим муассасалари фаолиятини мутлақо янги тизим асосида ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2023 йил 7 апрелдаги ПҚ–114-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 28 декабрдаги 29-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3135, 2019 йил 4 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.02.2019 й., 10/19/3135/2571-сон) билан тасдиқланган Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 1 ноябрь,
17-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил
1 ноябрдаги 17-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра
мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг
тизими тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 6-бандда:

биринчи хатбошидаги «Спортни ривожлантириш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спортни ривожлантириш бош бошқармалари» деган сўзлар «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «халқ таълими» деган сўзлар «умумий ўрта таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 21-бандда:

биринчи хатбошидаги «Спортни ривожлантириш вазирлигига» деган сўзлар «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Спортни ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 2-илованинг 7-позициясидан «болалар-ўсмирлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. 3-илованинг 7-позициясидан «болалар-ўсмирлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 4-илованинг 7-позициясидан «болалар-ўсмирлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

484 Ўзбекистон Республикасида тренерлик фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2247-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ–5812-сон «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2011 йил 9 июндаги 484-сон буйруғи (рўйхат рақами 2247, 2011 йил 22 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 30-сон, 318-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида тренерлик фаолияти тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 1 ноябрь,
12-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 23 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил
1 ноябрдаги 12-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида тренерлик фаолияти тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида тренерлик, тренер-ўқитувчилик ва тренер-инструкторлик фаолиятини (бундан буён матнда тренерлик фаолияти деб юритилади) амалга ошириш тартиби ва йўналишларини белгилайди.».
2. 13, 23 ва 28-бандлардаги «Спортни ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
3. 19-банднинг иккинчи хатбошисидаги «касб-хунар» деган сўзлар «профессional таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

485 Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2923-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 7 августдаги 5-мҳ-сон қарори (рўйхат рақами 2923, 2017 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 939-модда) билан тасдиқланган Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 1 ноябрь,
10-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 23 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил
1 ноябрдаги 10-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини
эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда
ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги
низомига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банддаги «Спортни ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 10-банднинг «д» кичик банди олтинчи хатбошисидаги «Спортни ривожлантириш вазирлигига» деган сўзлар «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

486 Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2954-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2023 йил 7 апрелдаги ПҚ–114-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 26 октябрдаги 13-мх-сон қарори (рўйхат рақами 2954, 2017 йил 7 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.12.2017 й., 10/17/2954/0389-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 1 ноябрь,
9-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 23 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил
1 ноябрдаги 9-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига
номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий
принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартибини белгилайди.»
2. 2-банднинг учинчи хатбошисидаги «республика олий спорт маҳорати мактабларида» деган сўзлар «Спорт турларини ривожлантириш республика марказларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
3. 9-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«тегишли спорт тури бўйича Спорт турларини ривожлантириш республика маркази мавжуд бўлганда, ушбу марказ раҳбари томонидан имзоланади ва марказнинг муҳри билан тасдиқланади.»
4. 10-бандда:
биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлигига (бундан буён матнда Спортни ривожлантириш вазирлиги деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига (бундан буён матнда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Тегишли спорт тури бўйича Спорт турларини ривожлантириш республика маркази мавжуд бўлганда, тақдимнома ушбу марказ раҳбари билан келишилган ҳолда марказ томонидан тақдим этилади.»
5. 11, 12 ва 16-бандлардаги «Спортни ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
6. 13-банддаги «республика олий спорт маҳорати мактаби», «Спортни ривожлантириш вазирлигининг» ва «Спортни ривожлантириш вазирлигига» деган сўзлар тегишли равишда «Спорт турларини ривожлантириш республика маркази», «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг» ва «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
7. 14-банддаги «Спортни ривожлантириш вазирлиги» ва «республика олий спорт маҳорати мактаби» деган сўзлар тегишли равишда «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» ва «Спорт турларини ривожлантириш республика маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
8. 15-банднинг биринчи хатбошисидаги «республика олий спорт маҳорати мактаби» ва «Спортни ривожлантириш вазирлигига» деган сўзлар

тегишли равишда «Спорт турларини ривожлантириш республика маркази» ҳамда «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 17-банддаги «Спортни ривожлантириш вазирлигининг» деган сўзлар «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

487 «Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3084-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буёраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 28 сентябрдаги 14-мҳ-сон «Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 3084, 2018 йил 31 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.11.2018 й., 10/18/3084/2145-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 1 ноябрь,
8-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 23 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил
1 ноябрдаги 8-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган
мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқ муқаддимасидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги ПФ–4956-сон «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга (бундан буён матнда мактаб-интернат деб юритилади) ўқувчиларни танлаб олиш тартибини белгилайди.»;

б) 3-банддаги «жисмоний тарбия ва спорт вазирининг» деган сўзлар «ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 4-банддаги «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва Сурхондарё вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси» деган сўзлар «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилояти ёшлар сиёсати ва спорт бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 10-банддаги «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига» деган сўзлар «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 24-банддаги «жисмоний тарбия ва спорт бошқармасининг» деган сўзлар «ёшлар сиёсати ва спорт бошқармаси бошлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

488 Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги
низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-6*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2022 йил 6 июндаги ПҚ–268-сон «Давлат спорт-таълим муассасалари фаолиятини мутлақо янги тизим асосида ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2023 йил 7 апрелдаги ПҚ–114-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 4 июлдаги 3-мх-сон қарори (рўйхат рақами 2921, 2017 йил 28 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 935-модда) билан тасдиқланган Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 1 ноябрь,
11-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил
1 ноябрдаги 11-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 14-банд, 20-банднинг биринчи хатбошиси ва 28-банддаги «Спортни ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 15-банддаги «Спортни ривожлантириш вазирлигининг» деган сўзлар «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 21-банддаги «Спортни ривожлантириш вазирлигига» деган сўзлар «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 26-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «спортни ривожлантириш вазирининг» деган сўзлар «ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 30-бандда:

иккинчи хатбошидаги «олий маҳорат спорт мактаблари, спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар мактаблари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари» ҳамда «Қорақалпоғистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спортни ривожлантириш бош бошқармалари» деган сўзлар тегишли равишда «Спорт турларини ривожлантириш республика марказлари, спорт мактаблари, спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаблари» ҳамда «Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар мактаблари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари» деган сўзлар «спорт мактаблари ва спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаблари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спортни ривожлантириш бош бошқармалари» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

489 Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман(шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3065-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 9 июлдаги 10-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3065, 2018 йил 5 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2018 й., 10/18/3065/1849-сон) билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман(шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 17 ноябрь,
15-мҳ-сон

Келишилди:

*Олий таълим, фан ва инновациялар
вазирининг биринчи ўринбосари*

К. КАРИМОВ

2023 йил 8 ноябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

*Мактабгача ва мактаб
таълим вазири*

Х. УМАРОВА

2023 йил 6 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси
ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил
17 ноябрдаги 15-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман(шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддимадан «Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 1-банднинг олтинчи хатбошисидан «хамда тегишли паспортга эга бўлган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 2-банддаги «Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги» ва «ўтказиш талабларига» деган сўзлар тегишли равишда «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги» ва «ўтказиш қоидаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

490 Карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш, қайтариб юбориш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3191-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бошлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 8-сон буйруғи (рўйхат рақами 3191, 2019 йил 31 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2019 й., 10/19/3191/3985-сон) билан тасдиқланган Карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш, қайтариб юбориш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. АБДУРАҲМОНОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 15 ноябрь,
237-сон

Келишилди:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИНОЯТОВ

2023 йил 14 ноябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири

А. АБДУХАКИМОВ

2023 йил 1 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси
қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил
15 ноябрдаги 237-сон буйруғига
ИЛОВА

Карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш, қайтариб юбориш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 15-банддаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси» ҳамда «Санитария — эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар тегишли равишда «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги» ҳамда «Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 24-банддаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг» ҳамда «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг» деган сўзлар тегишли равишда «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг» ҳамда «Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

491 Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар ва талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2184-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 23 декабрдаги 202-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2184, 2011 йил 18 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 3-сон, 29-модда) билан тасдиқланган Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар ва талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 8 ноябрь,
78/2023-Б-сон

Келишилди:

*Олий таълим, фан ва инновациялар
вазирининг биринчи ўринбосари*

К. КАРИМОВ

2023 йил 3 ноябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 25 ноябрда эълон қилинган.

*Мактабгача ва мактаб
таълими вазири*

Х. УМАРОВА

2023 йил 28 октябрь

Ўзбекистон Республикаси
камбағалликни қисқартириш ва бандлик
вазирининг 2023 йил 8 ноябрдаги
78/2023-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнида
ўқувчилар ва талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодисаларни
текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадан «Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ва 2010 йил 20 июлдаги 153-сон «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда) қарорларига мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 1-банддаги «олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар» деган сўзлар «олий, ўрта махсус ва профессионал» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган таълим олувчилар билан юз берган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.»

4. 16-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Гуруҳий, ўлим билан тугаган ва оқибати оғир бахтсиз ҳодисалар таълим муассасаларининг бўйсунуви бўйича тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар олий таълим, фан ва инновациялар бошқармалари ва Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари

рахбарларининг буйруқларига асосан тузилган махсус текшириш комиссиялари томонидан текширилади.

Ушбу махсус текшириш комиссияларига тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазири ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар олий таълим, фан ва инновациялар бошқармалари бошлиқлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазири ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари бошлиқлари ўринбосари раислик қилади ва унинг таркибига тармоқ касаба уюшмаси, таълим муассасасининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва ота-оналар қўмитаси вакиллари киритилади.

Гуруҳий, ўлим билан тугаган ва оқибати оғир бахтсиз ҳодисалар юз берганда махсус текшириш комиссияси томонидан мазкур Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган далолатнома мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган махсус текшириш далолатномаси тузилгандан сўнг расмийлаштирилади ва таълим муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланади.».

5. 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Икки ва ундан ортиқ таълим олувчининг ўлими билан тугаган бахтсиз ҳодисаларни махсус текшириш таълим муассасалари бўйсунуви бўйича тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик ва Мактабгача ва мактаб таълими вазирилик буйруқларига асосан тузилган махсус текшириш комиссиялари томонидан олиб борилади.

Ушбу махсус текшириш комиссияларига тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазири ўринбосари, Мактабгача ва мактаб таълими вазири ўринбосари раислик қиладилар ҳамда унинг таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар олий таълим, фан ва инновациялар бошқармалари бошлиқлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг тармоқ касаба уюшмаси раиси ҳамда бахтсиз ҳодиса содир бўлган таълим муассасаси раҳбари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига масъул ходим ҳамда ота-оналар қўмитаси вакиллари киритилади.».

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2023-йил 30-октябрдаги 28-сон ва Рақамли технологиялар вазирлигининг 2023-йил 26-октябрдаги 258-мҳ-сон “Темир yo‘llarda pochтani tashish va pochта vagonlarini ekspluatatsiya qilish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaror, shuningdek unga o‘zgartirishlarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi qarori.

2023-йил 22-ноябрда ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1613-2.

2. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2023 йил 23 октябрдаги МХ-15-сон, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 20 октябрдаги 01/22-05/5345-сон «Айрим турдаги ёввойи ўсимликларнинг тарқалишини ва уларнинг миқдорини тартибга солиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2023 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2590-2.

3. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 ноябрдаги 16-мҳ-сон «Спортчи» лавозимида қўйиладиган талаблар, уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгилаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3051-1.

4. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 ноябрдаги 17-мҳ-сон «Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3135-3.

5. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 ноябрдаги 12-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикасида тренерлик фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2247-2.

6. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 ноябрдаги 10-мҳ-сон «Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2923-4.

7. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 ноябрдаги 9-мх-сон «Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2954-4.

8. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 ноябрдаги 8-мх-сон «Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2023 йил 22 ноябрдаги рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3084-1.

9. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 ноябрдаги 11-мх-сон «Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-6.

10. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 17 ноябрдаги 15-мх-сон «Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман(шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3065-4.

11. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил 15 ноябрдаги 237-сон «Карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш, қайтариб юбориш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3191-2.

12. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 8 ноябрдаги 78/2023-Б-сон «Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар ва талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2184-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси «Ўздавтемирйўлназорат»

ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2006 йил 17 июлдаги GI 1/6-7-16-сон ва 01-8/2319-сон «Темир йўлларда почтани ташиш ва почта вагонларини эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1613, 2006 йил 16 август), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1613-1, 2013 йил 10 май).

2023 йил 22 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

